



20\_20 y « 2 » июля

№ К-306

« \_\_\_\_ » 20\_\_ г.

**Жарқўрғон тумани “Сурхон” массиви  
худудидан “KAKAYDI KORPARATIV  
YOSHLARI” ишлаб чиқариш  
кооперативига сабзавот-полизчилик  
йўналишида фойдаланиш учун ер  
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/362-сон йиғилиш баёни ва Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 11 июндаги 89/05-29-сон хатини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/362-сон йиғилиш баёни 2-банди ва Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 25 майдаги К-777-сон қарори тасдиқлансин.
2. Жарқўрғон тумани “Олтиндон кўрғони” массиви “Нефтчи” маҳалласи худудидан “KAKAYDI KORPARATIV YOSHLARI” ишлаб чиқариш кооперативига туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 871-дала контуридаги жами 15,4 гектар шундан 14,9 гектар яйлов, 0,1 гектар ариқ ва зовурлар, 0,4 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари сабзавот-полизчилик йўналишида фойдаланиш учун 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш ҳукуки билан ажратилсин.
3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Фаниев) ва Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.
4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов